

**Б.Р. Бобожонов, катта ўқитувчи,
Ш.А. Хусайнов, ТДИУ**

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА УНДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

В статье анализированы этапы развития инновационного потенциала в Республике Корея, а также роль государства в решении проблем экономических реформ, рассмотрены факторы, влияющие на проведения научно-технической и инновационной политики.

The article analyzed the stages of innovation development in the Republic of Korea, as well as the state's role in solving problems of economic reforms, discussed the factors that influence the conduct of scientific- technical and innovation policy.

Калит сўзлар: инновация, ЯИМ, ишлаб чиқариш, миллий ишлаб чиқариш, фан ва технологиялар.

Миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, диверсификациялаш, банк-молия тизими ва саноат тармоқлари ўртасидаги интеграцияни ривожлантириш ҳамда мамлакат иқтисодийнинг барқарорлигини таъминлаш орқали инновацион ривожланишга замин тайёрлаш долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов долзарб муаммога алоҳида эътибор қаратиб, “бугунги кунда мамлакатимизда бу борадаги ишлар бошлаб юборилган. Айти вақтда бу ишлар юқори салоҳиятга эга бўлган ҳар бир турдаги истикболли хомашё ва ярим фабрикат бўйича чуқур қайта ишлашнинг 2020, 2025, 2030-йилларга мўлжалланган аниқ дастурига эга бўлиш учун мутлақо янги дастурий комплекс ёндашувни талаб этади [1]” деб таъкидлаши мамлакат тараққиётида янги стратегик сиёсат шаклланаётганлигини кўрсатиб бермоқда.

Шу сабабли бир қатор етакчи мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ижобий тажрибасидан фойдаланиш республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ривожланган мамлакатларда инновация жараёни муваффақиятли кечиши давлат ва бизнеснинг қуйидаги ўзаро таъсир моделида намоён бўлди. Дастлаб давлат инновацион ривожланиш ташаббускори сифатида намоён бўлади, унинг стратегияси, устуворлиги, қўллаб-қувватлаш шаклларини белгилайди ва start-up лойиҳаларни молиялаштиради.

Хусусан, ўтган асрнинг 60-йилларини бошида АҚШда, 70-йиллар бошида Тайванда, Исроилда, Жанубий Кореяда, 80-йилларда Сингапур ва Финляндияда давлат инновацион ривожланиш дастурлари ташаббускори сифатида намоён бўлган. “Жадаллашиш даври” мuddати Сингапурда 10 йил, АҚШ ва Тайванда 25 йилни ташкил этди[2].

Инновацион ривожланишнинг асосий ғояси шундаки, иқтисодийнинг мазкур ривожланиш жараёнида, аввало, билимларни янгилаш тезлиги кескин

ортиб боради, бошқа томондан эса, технология ва маҳсулотларнинг мураккаблашуви кўплаб фаолият турлари бу жараёнга жалб қилинади. Бундай шароитда шахс ёки давлатнинг муваффақияти учун нафақат ихтисослашган билимлардан фойдаланиш, балки билимларни янгилаш ва тезкор ўқитиш қобилияти учун кўпроқ аҳамиятга эга бўлади.

Жаҳон тажрибасига кўра, инновацион сиёсат иқтисодиётни тартибга солишга узвий боғлиқ бўлади. Шу билан бирга у илмий ёки саноат сиёсатининг оддий давоми ҳисобланмай, балки иқтисодиётнинг ҳамма йўналишлари бўйича ўзаро боғлиқ чора-тадбирларни акс эттиради. Шунинг учун инновацион сиёсатни ишлаб чиқиш биргина дастур билан боғланмаслиги ёки бир муассасанинг ҳуқуқи сифати хизмат қила олмайди, балки нафақат вазирликлар, балки иқтисодиёт ва жамиятдаги турли ҳамкорлар ўртасидаги консенсусни топиш ва мувофиқлашувни талаб этади[3].

Бундан ташқари, фан-техника ривожини бошқариш давлат институтлари фаолиятида бир технологик тартибни бошқасига алмаштиришни шароитлари ва баҳосини кузатиш мумкин. Ахборот технологиялари инқилоби бошқарув тизимини сезиларлича ўзгартирди. Бошқарув назарияси бўйича машҳур америкалик мутахассис В.Хетел билимларни бошқариш ва интеллектуал етакчиликка асосланган анъанавий бошқарувдан бошқарувдаги янги ёндашувга ўтиш моделини тавсифлаб берди.

О.Тоффлер “Ҳокимият метаморфозалари” китобида илк бор ҳокимият асоси ва замонавий оламда муваффақиятли фаолият манбаи сифатида аниқ таърифлаган. XXI асрда фақат билим, интеллект ҳокимият манбаи ва давлат учун рақобат кучига айланади. Айнан билимлар – муваффақият ва иқтисодий ўсиш калити, бу Япония, Тайвань, Корея Республикаси салоҳияти ортиб боришидаги “иқтисодий мўъжиза” билан исботланган.

Ҳозирги кунда турли манбаларда жамият ривожидagi “саноатлашувдан кейинги жамият”дан “рақамли иқтисодиёт”га қадар замонавий босқичнинг кўплаб таърифлари берилади. 1996 йилда ОЭСР таърифига биноан, ҳозирги кунда “билимларга асосланган” иқтисодиёт ёки Б.А.Лундвал таърифлаганидек, “таълим иқтисодиёти”га сезиларлича тез суръатда ҳаракатланади[4].

Чунки, ривожланган, шу билан бирга бир қатор ривожланаётган мамлакатларда мамлакатнинг инновацион салоҳияти юқори баҳоланиб, иқтисодий тараққиётнинг манбаи, миллий бойликнинг муҳим бўғини сифатида қаралади. Шу боис инновацион салоҳиятни шакллантириш, имкониятларини кенг татбиқ қилиш ривожланаётган мамлакатлар учун долзарбдир. Инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланмаслик миллий инновацион стратегияни шакллантирилишига, рақобатбардош, ижтимоий-йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожланиш жараёнларига тўсқинлик қилади[5].

Шу жиҳатдан олганда, Корея Республикасининг мамлакат инновацион салоҳиятини шакллантириш миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги характери, кўлами, ресурслар ҳажми билан фарқланувчи инновацион сиёсатни ўзида ифода этади ва унинг асосий йўналишларига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин[6].

- инновацион фаолият ва унинг рағбатлантириш механизмларининг меъёрий-ҳуқуқий таъминотини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

- инновацион фаолиятни, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, илмий сиғими юқори маҳсулотларни рақобатбардошлигини ва экспортини оширишни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш;

- инновацион жараёнларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан, ахборот таъминоти, экспертиза тизими, молия-иқтисодий тизими, сертификация тизими ва илмий ишланмаларни кенгайтириш;

- инновацион лойиҳалар ва дастурларни танловлар тизимини такомиллаштириш. Иқтисодиёт тармоқларида хусусий инвесторлар иштирокида ва давлат кўмагидаги тезда ўзини қоплайдиган инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш истиқболли ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб қилиш имкони беради.

Корея Республикаси юксак салоҳиятга эга бўлган ривожланган давлатдир. Ҳозирги кунда аҳолиси 50 миллион кишидан иборат бўлган Корея Республикаси ҳиссасига жаҳон ялпи маҳсулотининг 2,0 фоизи ҳамда жаҳондаги буюртмаларнинг 33 фоизи тўғри келади. Шунингдек, бу мамлакат ташқи савдо ҳажми бўйича жаҳонда саккизинчи ўринни [7], кemasозликда иккинчи ўринни, ярим ўтказгич ва дисплейларни ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринни [8], автомобилларни ишлаб чиқариш бўйича бешинчи ўринни, пўлат қуйиш бўйича олтинчи ўринни эгаллаб турибди. Корея Республикаси ҳозирги вақтда ИТТКИ¹ харажатлари ҳажми бўйича жаҳондаги етакчи ўнта давлат қаторига киради, ихтироларни рўйхатга олиш бўйича АҚШ, Япония ва Хитойдан кейин тўртинчи ўринда туради.

Самарали илмий-технологик сиёсатни амалга оширишга сабаб бўлган қуйидаги омилларни ажратиш кўрсатиш мумкин [9]:

- ҳукумат томонидан мамлакатни самарали бошқарилиши;

- ИТТКИни ривожланиши учун сифатли меъёрий-ҳуқуқий асоснинг мавжудлиги;

- экспортни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини кенглиги;

- ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш учун барча чоратадбирларни қўлланилиши.

Шубҳасиз, Корея Республикасининг Давлат инновация сиёсатини шакллантириш борасидаги тажрибаси Ўзбекистон Республикасида фан-техника соҳасини ривожлантириш сиёсатини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун, Корея Республикасида Давлат инновация сиёсатини шакллантириш орқали юқори суръатларда иқтисодий ривожланиш даражасига эришиш алоҳида эътиборни талаб қилади.

Корея Республикаси Давлат инновация сиёсатининг асосий мақсади қуйидагиларда кўринади [10]:

- инновацион фаолият учун иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратиш;

¹ ИТТКИ- илмий тадқиқот тажриба конструкторлик иши

- асос ва яхшиловчи инновацияларни яратиш ва тарқатиш асосида миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотни ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини ошириш;

- инновациялар орқали бозор муносабатлари ва тадбиркорликни ривожланишига кўмаклашиш, инновация фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш;

- давлат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Корея Республикасининг фан-техника сиёсатини ривожланишидаги тарихий босқичларига эътибор қаратсак, 1960 - йилларда технологик сиёсат биринчи навбатда хорижий технологияларни киритиш ва мослаштиришни, ҳамда ички технологик базани шакллантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган эди. Айни пайтда (1966 йил) давлат томонидан молиялаштириладиган биринчи тадқиқот институти – Корея фан ва технология институти - KIST² ташкил этилиб, унинг асосий вазифаси сифатида хорижий технологияларни қўллаш, ўрганиш, мослаштиришда саноатга кўмаклашиш деб белгиланди.

1970-йилларнинг ўрталаридан саноат ва фан-техника сиёсати ривожланишининг кейинги босқичи бошланди. Саноатнинг стратегик тармоқларини мақсадли қўллаб-қувватлашга эътибор беради.

Жумладан, машинасозлик, кemasозлик, кимё саноати, электроника, электр энергетика каби капиталталаб ва технологик жадал соҳалар давлат томонидан қўллаб-қувватланди. KAIST базасида вазифаси хорижий технологияларни ички фойдаланишга мослаштириш ва яхшилашдан иборат стратегик тармоқлардаги тадқиқотларга ихтисослашган, давлат томонидан молиялаштирилувчи янги тадқиқот институтилари ташкил этилган. Тадқиқотчи ва муҳандис кадрлар тайёрлаш тизими ривожланиб борди. Шу даврда KAIST³ каби инсон ресурсларини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш воситаси бўлган олий ўқув юртлари ташкил этилди.

1980-йилларнинг бошларида илмий сиёсатни ривожлантириш ва амалга оширишнинг учинчи босқичи бошланди.

Бу босқичда илмий тадқиқот ва технологик ишланмалар даражасини ошириш мақсадида фан ва технологиялар соҳасида миллий лойиҳаларни режалаштириш ҳамда амалга оширишга эътибор қаратилган. Давлат инновация сиёсатининг асосий мақсади сифатида биринчи навбатда илмий ишланмаларни ўзлаштириш эмас, балки яратиш XXI асрда талаб қилинадиган алоҳида юқори технологияли йўналишларни ривожлантириш, илмий тадқиқот ва ишланмаларга инвестицияларни барқарор жалб этиш деб белгиланди[11].

Айниқса, 1990 йиллар Корея давлат инновация сиёсатини ривожланишининг кейинги босқичи йирик саноат гуруҳларининг ўрни ва роли билан характерланади. Бу даврда, Корея иқтисодиётининг негизини чебошлар – иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги қўллаб-қувватлаш компанияларни бирлаштирувчи холдинглар ташкил этди. Корея Республикасининг Миллий инновация тизими

² Korean Institute of Science and Technology

³ Korean Advances Institute of Science and Technology

(МИТ)⁴ давлат инновация сиёсатини амалга оширишда 30 та кўп тармоқли молия саноат гуруҳларининг (МСГ) фаол иштироки билан ажралиб туради. Йирик МСГ ҳисобига саноат ишлаб чиқаришининг 45%дан ортиғи ва ИТТКИ харажатларининг 58%и тўғри келади.

Жумладан, Корея Республикасига асосан АҚШ (50%) ва Япониядан (30%) технологиялар жалб этилган. Кореяда технологияни сотиб олишда маҳсулот уни ишлаб чиқариш жараёни билан бирга сотиб олиниб, кейинчалик мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши мумкинлигига эътибор қаратилган. Корея Республикаси тўлов балансида технологик айирбошлаш бўйича тўловлар доимий равишда ўсиб борган: 1990 йилда – 10,9 млрд. АҚШ доллари, 1995 йилда – 19,5 млрд. АҚШ доллари, 2004 йилда – 41,5 АҚШ доллари[12].

Ҳукуматнинг йирик бизнес билан ўзаро муносабатини молиявий ва солиқ имтиёзлари ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш орқали намоён қилган, айти пайтда ҳукумат фан-техника салоҳиятини, жаҳон даражасига кўтариш борасидаги эътиборини ҳозиргача сусайтиргани йўқ. Йирик бизнес билан ўзаро муносабатини Фан ва технологиялар вазирлиги “Илмий-технологик инновациялар” тўғрисидаги қонун билан тартибга солиб, илмий ва технологик инновацияларнинг беш йиллик режасини (1997-2002 йилларга), HAN (Highly Advanced National Project) лойиҳасини, Ижодий тадқиқот ташаббуси ва бошқа бир қанча дастурларни ишлаб чиққан. Бу каби тадбирлар Корея ҳукуматининг фан-техника соҳадаги сиёсатини амалга ошириш воситаларига айланган эди.

Корея Республикасини фан-техника сиёсатини ривожлантириш давомида ҳукумат, хусусий бизнесни жаҳон даражасидаги амалий ва фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш имконини берувчи мустаҳкам асос шакллантира олди. XX аср охирига келиб, Корея Республикасида университетлар қошида ташкил этилган 100 га яқин илмий-тадқиқот марказлари, давлат ёрдамида ташкил қилинган 30га яқин илмий-тадқиқот институтлари ташкил топди.

Энг асосийси, Корея Республикаси ҳукумати инновацион ривожланиш жабҳасида йирик бизнес вакиллари фаоллашувига ва салмоқли ҳисса қўшишга эриша олди. Айниқса, мамлакат капиталистик йўлга ривожланган мамлакатларга нисбатан кечроқ ўтган ҳамда 100 йиллик тарихга эга бўлган компаниялари йўқ бўлишига қарамай[13], нисбатан қисқа давр мобайнида миллий компаниялари трансмиллий характерга эга бўлди ва миллий иқтисодиётни модернизациялаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал этмоқда.

Шунингдек, Корея Республикаси ҳукумати томонидан ички истеъмол ва ишлаб чиқаришга инвестицияларни рағбатлантириш бўйича амалга ошираётган чоралари мамлакатдаги иқтисодий вазиятга ижобий таъсир кўрсатди. Корея Республикаси ҳукуматининг миллий бизнесни қўллашга қаратилган фаол

⁴ Миллий инновация тизими (МИТ). МИТга қуйидагича таъриф бериш мумкин: МИТ – бу мамлакат иқтисодий тизимини институционал хусусиятлардан келиб чиқиб ишлаб чиқилган, инновацияларни жорий қилиш асосида субъектлар ўртасидаги рақобатнинг аҳамиятини ошириш мақсадида иқтисодиёт субъектларининг ўзаро алоқаси инновацион моделига асосланган, давлат иқтисодиётининг таркиби ва моҳиятига таъсир кўрсатувчи алоҳида шакли.

иқтисодий сиёсати мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиб, ҳаётий зарур иқтисодий муҳитни кенгайтиришга замин яратди. Жумладан, ҳукумат томонидан 1998-2008 йилларда 215 млн. АҚШ доллари миқдорига йўналтирилган инвестициялари яримўтказгичлар соҳасини ривожлантириш учун асос яратди, натижада Корея Республикаси жаҳондаги ушбу соҳадаги мавқеини ва рақобатбардошлигини янада мустаҳкамланишига эришилди.

Корея Республикасининг фан-техника сиёсатининг инновацион йўналтирилганлиги унинг мажмуавий ёндошилганлигидадир. Бунда инновация жараёнида иштирок этувчи барча субъектлар манфаатларининг ҳисобга олинишини таъминланиши лозим (жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилик даражасини ошириш вазифаларидин келиб чиққан ҳолатлар билан бир қаторда). Бу субъектларни умуммиллий мақсадларини амалга оширишга тўлақонли йўналтириш учун зарурдир[14]. Шунингдек, давлат бундай қатъий талабчанлик орқали мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг устувор йўналишларини белгилади ва ўз назоратига олди, табиий ресурслар чекланганлиги шароитида сезиларли муваффақиятларга эришишини таъминлади.

Иқтисодиётни модернизациялаштириш ва унинг инновацион ривожланишини кескинлигини таъминлашнинг энг муҳим кўринишларидан бири бу - солиқ тизими орқали рағбатлантириш ҳисобланади. Ривожланган ҳамда тез суръатларда ривожланаётган мамлакатларда, Корея Республикасида ҳам солиқ имтиёзлари кенг қўлланилди. Бу каби кўшимча молиявий имтиёзлар туфайли био ва нано технологиялар, аэрокосмос каби соҳалар жадал ва изчил ривожлантирилди.

Шуни таъкидлаш керакки, кучли рақобат шароитида илғор ишлаб чиқариш технологияларининг жорий қилиниши ва ривожлантирилиши муҳим аҳамият касб этади. Илғор ишлаб чиқариш технологияларини жорий этилишининг якуний мақсади тамоман янги, илмталаб, сифат жихатдан янгиланган маҳсулот ишлаб чиқариш бўлиб, бу эса ўз навбатида истеъмолчиларни ўсиб бораётган ва доимий равишда ўзгараётган талаблари, шунингдек, рақобатбардошликни ва ишлаб чиқаришдан фойдани кўпайтиришни талаб қилади[15].

Фикримизча, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, куйидаги миллий инновация тизимининг ривожланиш имконини берадиган жихатларини қайд этиш мумкин:

- давлатнинг аниқ мақсад ва вазифаларга эга изчил ва узоқ муддатли инновация сиёсатини юритиш;

- мавжуд инновация салоҳиятидан инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва инновация сиёсатини амалга ошириш асоси сифатида оқилона фойдаланиш;

- мунтазам равишда давлат, хусусий, тадқиқотчилик ва таълим секторлари ўртасидаги алоқаларни яратиш ва такомиллаштириш;

- инновацион-технологик салоҳият учун муҳим, лекин етарли даражада тез ривожланмаётган ёки мустақил ривожланмаётган йўналишларни аниқлаб, уларни мақсадли қўллаш;

- давлат қўмагини бериш орқали салоҳиятли инновацион компанияларнинг иложи борича кўпроғини қамраб олиш;

- инновациялар, яратилаётган ёки ўзлаштирилаётган технологияларни тижоратлаштириш дастурларини ривожлантириш;

- трансмиллий корпорацияларнинг хорижий инвестицияларини оқилона равишда жалб этиш;

- интеллектуал мулк соҳасида миллий қонунчиликни халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш;

- инновацион тараққиётга оид илғор халқаро тажрибани доимий равишда ўрганиш ва уни жорий қилиш.

Шундай қилиб, фақат инновацион ривожланишгина мамлакат рақобатбардошлигини таъминлайди. Ҳозирги кунда техник тараққиётнинг юқори суръатларида инновацион ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолмайди, уни пайдо бўлиши учун муайян таянч давлат томонидан яратилиши зарур. Айнан мамлакатнинг шундай таянчни инновация учун пайдо бўлишини инновацион салоҳият сифатида эътироф этиш мумкин. Инновацион салоҳият илмий ишланмалар, илмий мактабларнинг ишлаб чиқаришдаги ютуқларига таяниши керак. Инновацион салоҳиятни мамлакат учун юқори малакали кадрлар, жорий илмий татбиқлар ва ишланмалар яратади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда инновацион фаолликни кучайтириш ва шу орқали инновацион тизимни яратиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратила бошлади. Ушбу инновацион сиёсатнинг муҳим элементи – инновацион ривожланиш босқичига ўтиш бўлиб, бу аввало, фан-технология соҳасига бевосита тааллуқли. Шу жиҳатдан олганда, республикамиз учун инновацион ривожланишнинг ўзига хос жиҳатлари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини янада такомиллаштириш, ташқи бозорларда харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга бўлган замонавий тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги босқичга кўтариш, тайёр маҳсулотлар экспортининг барқарор юқори ўсиш суръатларига эришиш имконини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 18 январ, 2016 й.

2. Чубайс А. Инновационная экономика в России: что делать? // Вопросы экономики. 2011. №1. С. 120-126.

3. Innovation policy: theory and practice (World Economy and International Relations, 2016, vol.60, no. 1, pp. 5-16) Received 23.09.2015. IVANOVA Natalia

Ivanovna (n.i.ivanova@imemo.ru).

4. Lundvall B.-A. National System of Innovation. London: Pinter, 1992

5. Завлин П.Н., Васильев А.В. Оценка эффективности инноваций. СПб: Бизнес-пресса, 1998.

6. Расулев А.Ф., Тростянский Д.В., Исламова О.А. Оценка инновационного потенциала и инновационной активности предприятий промышленности. Вестник УГУЭС. Наука, образование, экономика. Серия: Экономика

7. Ҳисоб-китоблар кўйидаги сайтлардаги маълумотлар бўйича: World Development Indicators 2013 // The World Bank. URL: <http://www.wdi.worldbank.org/table/4.1>

8. A Message from the Commissioner of InvestKorea // InvestKorea. URL: <http://www.investkorea.org/ikwork/iko/eng/cont/contents.jsp?code=1020701>

9. Бойкова М.В., Салазкин М.Г. Корея: опережающие стратегии //Форсайт, 2007, №4

10. Халипов В.Д. Инновационно-ориентированное развитие экономики Республики Корея//Теория и практика общественного развития. 2015, № 14

11. Суслина С.С. Значение научно-технических ресурсов в современном экономическом развитии Южной Кореи // Мировое и национальное хозяйство. 2011. №2. Электронный ресурс. – Режим доступа:

http://www.mirec.ru/old/index.php%3Foption=com_content&task=view&id=200.html

12. Korea and the World. 2007. Key Indicators. KITA. Seoul, 2007.p. 129.

13. Ко Джанг Джун. Развитие экономической системы Республики Корея в условиях глобализации Автореферат Москва -2011

14. Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан: диссертация на соискания учёной степени доктора экономических наук. – Т., 2004. С.23.

15. Каршиев Ш. Внедрение высоких технологий – важный фактор повышения конкурентоспособности предприятий. // Иқтисодиёт ва таълим. 2014. №1. С.54.